

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЭЛ АЗИЗ, ИНСОН АЗИЗ

Тирик, мағрур, ҳақ сўз қуролимиз бўлсин!



— 2022 йил—Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили —  
Ассалому алайкум, азиз муштарий!

# ЎСТИҚВОЛ ҲОҲИ

Кўштепа туманининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

Ватан ягонадир,  
Ватан биттадир

1943 йил 6 мартдан чиқа бошлаган

www.istiqbolyuli.uz

istiqbol.43@mail.uz

2022 йил 10 октябрь № 36 (8432)

## Муҳим ахборотлар

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев "Тадбиркорлик субъектларининг экспорт салоҳиятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида" фармон қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев "Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни молиявий қўллаб-қувватлашнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида" қарор қабул қилди.

Фаргона вилояти ҳоқими Хайрулло Бозоров Хитой Халқ Республикасининг "Shuncheng Investment Group" компанияси раҳбари Хунг Чи Йим бошчилигидаги бир гуруҳ хитойлик сармоядорларни қабул қилди. Қабул учун миннатдорлик билдирган инвесторлар Фарғонада меҳмонхона қуриш истаклари борлигини маълум қилишди.

## Пахта-2022

# ТЕРИМ – КЎП ҚЎЛ ТАЛАБ ҚИЛАДИ

Пахта терими ҳамон кўп куч талаб қиладиган меҳнатлигича қолмоқда. Шундай бўлишига қарамай, охириги пайтларда бу қимматбаҳо санат хом ашёсини ўқувчи ва талабалар, шаҳарлик ҳашарчилар ёдами-сиз йиғиштириб олинаётгани қувонарли. Аммо теримда фермер хўжаликлари аъзолари қаторида маҳаллалардаги уюшмаган аҳоли вакилларининг иштироки жуда муҳимдир. Бу, қишлоқда яшаб, унинг имкониятларидан фойдаланаётган, айна пайтда иш билан банд бўлмаган аҳоли вакилларининг виждон амрига айланмоғи зарур.

—Хўжалигимизда 28 аъзо, юзга яқин мавсумий ишчиларимиз бор,— дейди "Лангар-Алигаваҳаров" ММТП ҳудудидаги кўп тармоқли Нишонов Равшан Одил ўғли номли фермер хўжалиги раҳбари Муҳаммадодил Омонов.—Экиб-тикиш, парвариш қилиб, пахтани пишириш учун, бу кучимиз етарли. Аммо йиғим-теримда ёрдамга муҳтож бўлиб қолаётган пайтимиз "Лангар" маҳалла фуқаролар йиғинидаги уюшмаган аҳолининг ёрдами бекиёс бўлмоқда. Улар-



нинг ёрдами билан шу бугунги кунда 37,6 гектар майдон ҳисобига 131,4 тонна пахта сотиб, шартнома режамизни бажардик. Бу ютуқда Улуғбек Собиров, Мирзакарим Рўзиев, Мирзакомил Қодиров ва бошқа аъзоларимиз қаторида Зулайҳо Матмусаева, Дилдора Тожиалиева сингари бир неча ўнлаб уюшмаган аҳоли вакилларининг муносиб ҳиссалари борлигини айтиб ўтмасам бўлмас. Ҳали далаларимизда ҳосил бор.

Биз деҳқонларимизнинг пешона тери эвазига етиштирган ҳосилни охиригича йиғиштириб олишда ҳам уларнинг ёрдамига таянамиз. Теримчилар далага хўжалик транспортида келишади. Иссиқ овқатлар, ҳар килограмм терилган пахта учун икки минг сўмдан иш ҳақи ўз вақтида берилмоқда.

Суратда: фермер М. Омонов теримчилар билан. Бахтиёржон РЎЗИОХУНОВ олган сурат.

## "ПАХТА ШТАБИ" ХАБАР ҚИЛАДИ



Куз далада меҳнат қиладиганларга беҳисоб саховат кўрсатмоқда. Тунги салқин, кундузги иссиқ ҳароратдан сўнгги кўсақлар ҳам бирин-кетин очилмоқда. Эрта баҳордан маромида меҳнат қилган деҳқонлар қандини урсин! Шартнома режасини шараф билан адо этган фермер хўжаликлари сони 70 тани ташкил қилди. Ҳозиргача кластер хирмониға жам қилинган ҳосил 20 минг 500 тоннага етиб қолди. Бу, йиллик режа 84 фоизга етказилди, демакдир.

Ғалвир сувдан кўтариладиган палла келди. Ҳисоб-китобларга қараганда, "Бахт Пахтакор-Гаримдон", "Солижонобод-Маҳмуд", "Ж. Жаҳонов-Дўрмон" ММТПлар ҳудудидаги "Турсунов Юсуфжон ери", "Бурхонов ўғли Дилшоджон", "Анваржон Оллоёр ери" сингари ўнга яқин хўжалиқларда йиллик режа ҳали 50 фоизга ҳам етмаган. Агар хўжалик аъзолари парваришни агротехника талаблари асосида адо этганларида, туманнинг катта карвони оёғига тушов бўлмасди.

Қуёшли ҳар дақиқа ғанимат. Фидокорона меҳнат қилган хўжалиқлар далаларида ҳосил мўл. Уни ёғин-сочинли кунларга қолдирмай йиғиб-териб олиш учун сафарбарликни кучайтирайлик. Теримчиларга қулай меҳнат ва маиший шароит яратиб беришга, иш ҳақини тарозининг устида олиши учун барча чораларни кўрайлик.

ТУМАН "ПАХТА ШТАБИ"

## Шодиёна

# МУРАББИЙЛАР ХАМ КАСБ БАЙРАМИНИ НИШОНЛАШДИ



Ўқитувчи ва мураббийлар кунини туманнинг мактабгача таълим ходимлари ҳам кўтаринки кайфиятда нишонладилар. Уларни касб байрами билан туман ҳоқими Илёсбек Новиков, сектор раҳбарлари самимий табриқладилар. Соҳанинг бир гуруҳ илғорлари туман ҳоқимлиги ва бўлим маъмуриятининг "Фахрий ёрлик"лари ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар (суратда).

УШБУ  
СОНДА:

2

- \* "Солиқчи-қўмакчи" тамойили-амалда
- \* Қутубхоначилар танлови
- \* Хабарингиз борми: қарор кучга кирди

3

- \* Яна бир таълим ташкилотига бегараз ёрдам
- \* Мактаблардан хабар қиладилар
- \* Жаҳон айвонида

4

### Сабоқ бекати

- \* Аҳли дониш дейдиларки...
- \* Ақл-ақлдан қувват олар
- \* Агарки инсонсен...

**"Солиқчи—қўмакчи" тамойили—амалда**

Юртимизда кичик ва хусусий бизнесни ривожлантириш, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш масалалари давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Чунки иқтисодиётимизнинг юксалишида мазкур йўналишнинг улуши

ва салмоғи муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу борада Президентимиз, ҳукуватимиз томонидан қабул қилинган қарорлар, меъёрий ҳужжатлар ижроси доирасида инспекциямизда ҳам муайян ишлар олиб борилмоқда.

## ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА АМАЛИЙ ТУРТКИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев жорий йил 16 март куни Давлат солиқ қўмитасининг Маълумотларни қайта ишлаш марказида бўлганида солиқ маъмуриятчилигини янада такомиллаштириш, тизимда рақамлаштириш жараёнини изчил давом эттириш ва уни коррупциядан ҳоли тизимга айлантириш, тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатишни янада кенгайтириш, уларга қўмакчи бўлиш, барчага тенг рақобат шароитини яратиш, одамларнинг иш самарадорлигини рағбатлантириш юзасидан қатор вазифаларни белгилаб берган эди.

Ана шу вазифалардан келиб чиқиб, солиқ идоралари трансформацияси жараёнларини жадаллаштириш, тизимни тадбиркорлик субъектларига қўмак берадиган соҳага айлантириш, тўлиқ рақамлаштириш орқали ишбилармонларга қўмак бериш имкониятларини ошириш, солиқ муносабатларида инсон омили иштирокини чеклаш, бир сўз билан айтганда, "солиқчи—қўмакчи" тамойили асосида тадбиркорлик субъектларига зарур ёрдамлар кўрсатиб келинмоқда.

Мазкур тамойил асосида солиқ тизимининг турли даражадаги раҳбарлари, мутахассислари тадбиркорлар ҳузурига бориб, уларнинг муаммоларини ўрганмоқда. Жойларда ўт-

казилаётган сайёр қабуллар, тадбиркорлар билан мулоқотларда мутахассисларимиз уларни қийнаётган масалалар юзасидан зарур тавсия ва маслаҳатлар, амалий ёрдамлар бермоқдалар. Сирасини айтганда, бугунги кунга келиб тадбиркорларга қўмаклашиш Давлат солиқ органи ходимларининг асосий вазифасига айланди.

Рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, жорий йил ўтган тўққиз ойи давомида туманда 1298 та корхона, тадбиркорлик субъектларининг муаммолари батафсил ўрганилди. Жараёнда 784 та тадбиркорлик субъектларига қўмаклашиш лозимлиги, 514 таси қўмакка муҳтож эмаслиги аниқланди. Ўрганиш асносида 7 та йўналишдаги 679 та муаммолар солиқ органларига, 5 таси бошқа идора ва ташкилотларга алоқадор муаммолар бўлиб чиқди. 346 та тадбиркорлик субъектларига дастлабки бухгалтериясини юритишга қўмаклашилди. 223 та субъектларга Е-актив ААТ, 55 тасига Е-йўлга ААТ бўйича, 32 та тадбиркорлик субъектларига эса Е-имтиёз ААТ бўйича тушунчалар берилди ва улардан қандай фойдаланиш бўйича қўмаклашилди.

Айни пайтда 25 та тадбиркорлик субъектига қўшилган қиймат солиғи тўловида ўтказилган 31

973,1 млн.сўм ортиқча тўловлари солиқ тўловчиларнинг банкдаги ҳисоб рақамига қайтариб берилди. 31 тасига бошқа солиқ турларидан 203 755,1 минг сўм ортиқча тўловлари солиқ тўловчиларнинг бошқа солиқ туридан бўлган қарздорлигига ўтказиб беришда амалий ёрдам берилди. 57 та ШХВдан нусха олишга ёрдамлашилди. 10 та тадбиркорлик субъектларида солиқ органига алоқадор бошқа масалаларда қўмаклар берилди. 5 нафар тадбиркорга 3 миллиард 225 миллион сўм кредит олишга қўмак берилди.

Қўриниб турибдики, солиқ хизмати органлари ходимлари қўмаги билан тадбиркорларни қийнаётган аксарият муаммолар ижобий ҳал этилмоқда. Бошқа ташкилотлар билан ҳал этиладиган муаммоларни бартараф этиш юзасидан зарур чоралар қўрилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг солиқ идоралари текширувчи эмас, солиқ тўловчи тадбиркорлик субъектларига амалий ёрдам бериб, унинг муаммоси ҳал этилишига қўмаклашиши керак, деган тамойили одамларнинг солиқ идораларига бўлган ишончини ошириб, иши ривожланишига амалий туртки беради.

**Зухриддин МИРЗАЕВ,**  
туман Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи.

**Kutubxonachilar tanlovi**

## ODINAXON NASRIDINOVA – G'OLIB

Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar agentligi tizimidagi axborot-kutubxona muassasalari o'rtasida har yili o'tkaziladigan "Yilning eng yaxshi axborot-kutubxona mutaxassisi" ko'rik-tanlovining viloyat bosqichi o'tkazildi. Ahmad Farg'oniy nomidagi viloyat axborot-kutubxona markazida o'tkazilgan tanlovda viloyati axborot-kutubxona markazi hamda tuman-shahar axborot-kutubxona markazlaridan 30 nafar mutaxassis ishtirok etdi.

Nizomga ko'ra ishtirokchilar ikkita shart bo'yicha bellashdilar. Birinchisida kutubxonachilik sohasi, AKT va huquqiy savodxonlik bo'yicha Respublika axborot-kutubxona markazi tomonidan onlayn tartibda test sinovlaridan o'tkazildi. Ikkinchi shartda mutaxassislar tanlov nizomining 2-ilovasida berilgan kitoblardan birini tanlab, o'zining blogerlik qobiliyatiga tayanib kitoblarni targ'ib va tavsiya qiluvchi "Booktuber"lari orqali ishtirok etdilar. Ushbu "Booktuber"ni baholashda uni yaratish jarayonida professional kamera yoki mobil aloqa vositasidan foydalanilganligi, ishtirokchining ravon nutqi, kitob haqidagi ma'lumotni tushunarli va to'liq ochib berganligi, kitobning kulminatsion nuqtasini yaqqol ko'rsatib berilganligi inobatga olindi.

Juda qiziqarli va bahs-munozaraga boy bo'lgan tanlov natijalariga ko'ra 3-o'rin Uchko'prik tumani axborot-kutubxona markazi mutaxassisi Zohidaxon Abdurahmonovaga, 2-o'rin Quva tumani axborot-kutubxona markazi mutaxassisi Muhayyoxon Xolmatovaga nasib etdi. Tanlovning mutloq g'olibligiga tumanimizning axborot-kutubxona markazi mutaxassisi Odinoxon Nasriddinova muayassar bo'ldi va Respublika bosqichida ishtirok etish uchun yo'llanmani qo'lga kiritdi.

**Ushbu surat ana shu jarayon yakunida tasvirga tushirildi.**  
**Tanlov g'olibi Odinoxon—o'rtada.**  
**G'olibjon MO'MINOV,**  
tuman axborot-resurs markazi rahbari

Юртимизда хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг иқтисодий-маърифий эҳтиёжларини қондириш мақсадида бир қатор меъёрий ҳужжатлар қабул қилиниб, турмушга татбиқ этилмоқда. Президентимизнинг яқинда, яъни 21 сентябрда қабул қилган "Хотин-қизлар бандлигини ошириш ва саломатлигини мустаҳкамлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори бунга яққол далилдир.

Қарорнинг моҳиятида хотин-қизларга қулай иш ўрни ҳисобланган касаначиликни ривожлантириш орқали оила бюджети даромадларини ошириш, уй меҳнатидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш ва хизмат кўрсатишни ривожлантириш мақсади мужассамдир. Хотин-қизларнинг иш билан бандлигини таъминлаш ва саломатлигини мустаҳкамлаш марказлари фаолиятини йўлга қўйиш мақсадида, шу йилнинг биринчи октябридан бошлаб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 21 апрелдаги қарорининг 4-бандида кўрсатилган талаблар кучга кирди. Унга кўра, касаначига зарур асбоб-ускуна харид қилиш учун тадбиркорлик субъектларига ажратиладиган субсидия миқдори амалдаги базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 бараваридан 15 бараваригача оширилиши ҳамда Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси томонидан Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жам-

ғармаси маблағлари ҳисобидан олиш ва чекка ҳудудлардаги маҳалларда камида 20 нафар эҳтиёжманд хотин-қизларни касаначилик асосида иш билан таъминлаган тадбиркорлик субъектлари ўртасида йилда бир маротаба ҳар бирининг қиймати 50 миллион сўм бўлган лойиҳалар танлови ўтказилиши белгиланди.

Биринчи октябрдан бошлаб тад-

**Хабарингиз борми: қарор кучга кирди**

## АЁЛ, ОИЛА ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ҚЎТАРИШ САРИ ЯНА БИР ҚАДАМ

биркорлик субъектлари томонидан давлат мулкидаги бино ва иншоотларни ижарага олишда ижара ҳақи 50 фоиз миқдорда ундирилади, фақат улар томонидан "Аёллар дафтари"га киритилган камида 5 нафар ишсиз хотин-қизларни касаначилик асосида ишга қабул қилган бўлишлари даркор. Шунингдек, ишлаб чиқариш соҳасида фаолият юритаётган ва ходимлари умумий сонининг камида 70 фоизи "Аёллар дафтари"га киритилган хотин-қизлар бўлган касаначиликни ташкил этган ва имтиёз берилган даврда уларнинг бандлигини сақлаб қолган тадбиркорлик субъектлари давлат мулкидаги бино ва иншоотлар учун ижара ҳақи тўловидан 2027 йил 1 октябрга қадар озод этилади.

Қарорда белгиланган талаблар асосида маҳалларда ташкил этиладиган хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш ва саломатлигини мустаҳкамлаш марказлари туман (шаҳар) ҳокимликлари томонидан маҳаллий бюджетларнинг қўшимча манбалари ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобидан барпо этилади ва кейинчалик эса

маҳалла фуқаролари йиғини томонидан маҳаллардаги хотин-қизлар фаолларининг тавсиясига асосан давлат мулкни ижарага бериш тартибига мувофиқ тикувчилик, қандолатчилик, фитнес, шейпинг, хотин-қизларни касбга ўқитиш фаолиятини ташкил этиш учун тадбиркорлик субъектларига 5 йил муддатга ижарага берилади.

Хотин-қизларни касб-ҳунарга ўқитиш фаолияти ташкил этилган марказларда битта йўналиш бўйича жалб қилинган ишлаб чиқариш таълими усталарининг меҳнатига Бандликка қўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан ҳақ тўлашлари мумкин бўлади.

Ушбу марказларда битта лойиҳа доирасида 20 нафаргача хотин-қиз-

ларнинг доимий бандлигини таъминлаш мақсад қилинган бўлиб, бунинг учун ҳар бир бандлиги таъминланадиган ишсиз хотин-қиз учун Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси маблағлари ҳисобидан тадбиркорлик субъектларига белгиланган тартибда 3 миллион сўмдан ошмаган миқдорда давлат гранти ажратилиши кўзда тутилган. Ажратилган давлат гранти ижтимоий лойиҳани амалга ошириш мақсадида марказларда ташкил этиладиган тикувчилик, қандолатчилик, пазандачилик ва турли ҳунармандчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳамда тайёрлаш учун зарур бўладиган дастгоҳ, ускуна ва жиҳозлар харид қилишга йўналтирилиши юқоридаги қарорда қатъий белгилаб қўйилди.

Давлатимиз раҳбарининг қарори, айниқса, эҳтиёжманд хотин-қизларнинг иш билан бандлиги, оилалар бюджети барқарорлигини таъминлаш, жамиятимиз жонсарақ қатлами саломатлигини ҳар томонлама мустаҳкамлашдек олижаноб мақсадга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Уйлаймизки, барча мутасаддилар қарорни турмушимизга оғишмай татбиқ этиб, оилалар турмуш даражасини кўтариш сари янги қадам ташлайдилар.

**Ҳусниддин АҲМАДЖОНОВ,**  
**Оятулло АБДУСАТТОРОВ,**  
вилоят маъмурий суди судьясининг катта ёрдамчилари.

Ўзбекистон-Япония ҳамкорлиги

Ривожланиш учун расмий ёрдам доирасида Япония ҳукумати ривожланаётган мамлакатларнинг турли эҳтиёжларига жавоб берадиган кўллаб-қувватлаш дастурини амалга оширмақда. "Кичик миқёсли ижтимоий лойиҳаларга беғараз ёрдам" дастури доирасида мамлакатимиз билан мустақам дўстлик алоқаларини ўрнатган Япония ҳукумати томонидан 1995 йилдан буён соғлиқни сақлаш ва таълим сифатини ошириш, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, кам таъминланганликни камайтириш йўналишларидаги 399 та лойиҳани маъқуллаб, беғараз ёрдам кўрсатилди.

Жумладан, ишлаб чиқилган лойиҳа асосида болалар боғчаларига мебел, асосий техника ва ускуналарни етказиб бериш орқали жойларда бошланғич таълим сифатини оширишга ҳисса қўшиш ҳам белгиланган дастурнинг асосий мақсадларидан биридир. Хабарингиз бор, 2019 йили туман мактабгача таълим

бўлими бошлиғи Иқболой Маҳмудова ташаббуси ва муаллифлигида тайёрланган лойиҳа ғолиб топилиб, дастур доирасида "Файз" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги 13-давлат мактабгача таълим ташкилотига 49 минг 664

**ЯНА БИР ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТИГА БЕҒАРАЗ ЁРДАМ**



АҚШ доллари миқдорига грант ажратилиб, муассаса тўлиқ жиҳозланган эди. Бу, албатта муассасада таълим сифатини узлуксиз ошириб

боришга туртки бўлди. Яқинда яна бир давлат мактабгача таълим ташкилоти учун Иқболой Маҳмудова тайёрлаган


лойиҳа грант ажратиш талабларига нечоғли мос тушишини ўрганиш учун бу жойда элчихона вакили Нана Маруяма "Қоракалтак" МФИдаги 35-ДМТТда бўлди. Ўрганиш якуни ва хулосаларга кўра, лойиҳа маъқулланиб, Япония элчихонасининг иқтисодиёт бўлимига тақдим этилганлиги ҳақида хушxabар келди.

Ушбу суратлар элчихона вакили давлат мактабгача таълим ташкилоти шарт-шароитларини ўрганаётган пайтида тасвирга туширилди.

**Матн ва суратлар муаллифи: Бахтиёржон РУЗИОХУНОВ.**




**ОАВ: БАЙДЕН ИККИНЧИ МУДДАТГА ҲАМ НОМЗОДИНИ КЎРСАТМОҚЧИ ЭКАНИНИ МАЪЛУМ ҚИЛДИ**



АҚШ президенти Жо Байден ҳуқуқ ҳимоячиси ва телебошловчи Эл Шарптон билан суҳбатда иккинчи муддатга ҳам сайланмоқчи эканини таъкидлади, деб хабар бермоқда NBC телеканали.

**ЭРДОҒАН: ЕВРОПАНИ ҚАТТИҚ ҚИШ КУТМОҚДА**



Европа давлатлари бу қишда Россиядан газ етказиб берилиши билан боғлиқ чеклов туфайли жиддий қийинчиликка дуч келади. Бу ҳақда Президент Режеп Таййип Эрдоған Туркия Ёшлар жамғармаси аъзолари билан учрашувда айтиб ўтди, деб хабар берди "Анадолу" агентлиги.

"Ҳозир бутун Европа "бу қиш қандай ўтади? деган саволни беряпти", деди Туркия етакчиси.

Мазкур саволга ўзи жавоб бериб, "Туркияда жорий қиш энергия манбалари билан боғлиқ муаммо кузатилмаслигини таъкидлади.

Эрдоған Россия-Украина инқирози ҳақида гапираркан, "ҳозир Анкара можарони тинч йўл билан ҳал қилиш учун воситачилик қилишда етакчи роль ўйнаётганини" қайд этди.

**E'LONLAR!**

Marg'ilon shahar, Yo'rmado'z MFY, To'ralar ko'chasi, 167A uyda joylashgan, Toshloq tumani davlat xizmatlari markazi tomonidan 2021 yil 29 aprelda 1385279 ro'yxat raqam bilan berilgan guvoynomaga asosan faoliyat olib borgan yakka tartibdagi tadbirkor Kazakov Xayrullo Bahodirovichga tegishli bo'lgan dumaloq muhr yo'qolganligi sababli **BEKOR QILINADI.**

\*\*\*  
Tumandagi 8-umumiy o'rta ta'lim maktabi ma'muriyatining dumaloq muhri yo'qolganligi sababli **BEKOR QILINADI.**

**Maktablardan xabar qiladilar**

**TO'RT AVLOD UCHRASHUVI**



Ustoz va murabbiylar kuni arafasida maktabimiz ajib fayzga burkandi. Bayram munosabati bilan muqaddas dargohga bu yerdan uchirma bo'lgan o'ttizdan ortiq ustoz va murabbiylar jam bo'ldilar. Ustozlar maktabga kirib kelarkanlar, ko'zlarida yosh halqalanadi. Yoshlik, betakror o'quvchilik yillari, ustozlarini xotirlash qanchalar hu-

zurbaxsh! Dasturxon atrofida foni dunyodan ketgan fidoyi ustozlar yodga olindi, yosh muallimlarga zarur o'g'itlar berildi. Ushbu suratda ana shu unutilmas lahzalardan bir lavha aks etgan.

**Muhabbatxon JALILOVA, 17-umumta'lim maktabi direktori.**

**NAVOTOT OLAMIGA MEHR UYG'OTIB**



Bolalarda tabiat va nabotot olamiga mehr uyg'otishda darsliklardagi mavzularni amaliy mashg'ulotlar, hayotiy misollar bilan boyitib borishning ahamiyati kattadir. Birinchi "A" sinfida o'tkazgan ochiq darsimda noan'anaviy usullardan foydalanib, mavzuni hayotga bog'lab tushuntirganim uchun ham deyarli barcha o'quvchilar darsda faol ishtirok etishdi. Ayniqsa, Afzalbek Abdubannopov, Xonzodabegim Abduqodirova, Shahrizoda Murodjonova, Gulmiraxon Ibrohimova singari o'quvchilarning o'simliklarning o'sishi uchun nimalar zarurligi, ular ham tirik jon ekanligi, ayni paytda ularga mehr kerakligi haqidagi fikrlari kuzatuvchilarda yaxshi taassurot qoldirdi.

Boshlang'ich ta'lim bo'yicha ilmiy bo'lim mudiri Feruzaxon Rahimova dars milliy o'quv dasturlari asosida olib borilganligi, noan'anaviy usullardan samarali foydalanilganligini alohida ta'kidladi va uni ommalashtirish zarurligiga e'tibor qarattirdi. Garchi boshlang'ich ta'limda ishlayotganimga o'n to'qqiz yil bo'lsa-da, berilgan bu baho meni yanada ijodiy mehnat qilishga ruhlantirdi.

**Muqaddamxon ABDURAHIMOVA, 6-umumta'lim maktabining boshlang'ich sinf o'qituvchisi. Suratda: ochiq dars payti.**

**Хабарингиз борми, чақирилувчилар танлови бошланди**

**МАРД ЎҒЛОНЛАР, БАТАН ХИЗМАТИГА ТАЙЁРМИСИЗ?**



**1996-2005 йилларда туғилган чақирилувчилар диққатига!**

Ўзбекистон Республикасининг "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги Қонуни ҳамда вилоят ҳокимининг биринчи августдаги ва туман ҳокимининг 6 августдаги қарорларига кўра, туман му-дофаа ишлари бўлимида 2023 йилги чақирув мавсуми учун 1996-2005 йилларда туғилган чақирилувчиларни ҳарбий-техника мутахассисликлари бўйича тайёргарликка жалб этиш ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 12 сентябрдаги қарорининг иккинчи боби, учинчи моддаси, 15-банди "а" пунктида "муддатли ҳарбий хизматчилар учун ўн икки ой ҳамда учинчи боб, 23-моддасида "муддатли ҳарбий хизматга ўн саккиз ёшдан йигирма етти ёшгача бўлган фуқаролар, шунингдек, муқаддас ҳақиқий ҳарбий хизматни ўтамаган офицерлар чақирилади" деб белгиланганлигини маълум қиламиз.

Шу сабабли муддатли ҳарбий хизмат (бир йиллик)га бориш истагида бўлган 1996-2005 йилларда туғилган, Қўштепа туманида вақтинча ёки доимий истиқомат қилаётган чақирилувчиларни туман мудофаа ишлари бўлими чақирув масканига соат 9.00 га (шанба ва якшанба—дам олиш кунларидан ташқари) келишларини сўраймиз.

Танлов икки йўналишда ўтказилади:  
-жисмоний тайёргарлик синовлари;  
-ҳарбий қисм вакиллари билан суҳбат.  
Эслатма: якка суҳбат ва жисмоний тайёргарлик синовларидан ўтмаган фуқаролар муддатли ҳарбий хизматга юборилмайди!!!

**ТУМАН МУДОФАА ИШЛАРИ БЎЛИМИ МАЪМУРИЯТИ.**

## Расулulloх (с.а.в.) хадисларидан



Тамадан йироқ бўлинглари, чунки у камбағалликнинг нақд ўзгирасидир.

*Табароний ривояти.*  
\*\*\*

Ҳаё фақат яхшилик олиб келади.

*Муслим ривояти.*  
\*\*\*

Аллоҳ таолонинг соясига аввалгилардан бўлиб кирувчилар ким эканини биласизларми? Улар ҳақни қабул қиладилар, сўралган нарсани берадилар ва одамларга ўзларига ҳукм қилгандек ҳукм қиладилар.

*Аҳмад ривояти.*  
\*\*\*

Қоринни овқат ва ичимликлар ила тўлдиришдан йироқ бўлинглари. Чунки у жисми фасод қилиб, намоздан тўсувчи касалликни мерос қолдиради. Сизлар ўртачасини қасд қилинглари, ана шу жасадга манфатли бўлиб, ҳаддан ошишдан узоқдир.

*Бухорий ривояти.*

**“2002 ҳадис”дан.**

**“Мунир” нашриёти.**  
Тошкент—2022 йил.

# Saboq bekati



Оз-оздан ўрганиб  
доно бўлур,  
Қатра-қатра йиғилиб  
дарё бўлур.  
Алишер НАВОЙЙ.

Аҳли дониш дейдиларки...

## АНУШЕРВОН ҲУЗУРИДА БЎЛГАН СУҲБАТ

Бир куни Анушервон танҳо ўтирган эди. Шу орада унинг олдида Юнон, Муъбад, Фаррухзод, Бузургмехр ва бошқалар кириб келишди. Анушервон уларга қараб деди:

—Бу катта анжуман бўлди. Келинглари, ҳар биримиз биттадан ҳикматли гап айтилайлик, токи сўзимиз бошқаларга ибрат бўлсин!

Сўнг Муъбадга қараб:

—Сен нима дейсан?—деди.

Муъбад деди:

—Икки нарса борки, улар бир-биридан яхшидир. Масалан, хунар билимдан яхши, иш эса сўздан афзал.

Анушервон:

—Батафсил тушунтир!—деди.

Муъбад давом этди:

—Ҳар кимнинг хунари бўлмаса, у қуруқ девор билан тенг. Ҳар кимнинг сўзи чиروي бўлса-ю, иши ёмон бўлса, фойдасиз шамол кабудир.

Анушервон Хуршидга қараб:

—Сен нима дейсан?—деди.

Хуршид:

—Жаҳонда икки нарса бор, ўша икки нарсадан ҳеч нарса яхши эмас, биринчиси—хурсандчилик, иккинчиси—беозорлик!—деди.

Анушервон:

—Кенгроқ тушунтир!—деди.

Хуршид:

—Ҳар ким бориға қаноат қилиб хурсанд яшаса, ҳеч кимга эҳтиёжи қолмайди. Кимки ҳеч кимга озор бермаса, ҳеч кимни хафа қилмаса, ҳеч кимдан хавф етмайди!—деди.

Анушервон Бузургмехрга қараб:

—Сен нима дейсан?—деб сўради.

Бузургмехр:

—Эй Анушервон, одамлар қўйидаги нарсаларга амал қилмасалар, ҳеч қачон хурсандчилик юзини кўрмайдилар: масалан, бориға қаноат қилмаса, етолмайдиган нарсасига интилса, биронинг қўлидаги

нарсасига тама кўзи билан қараса!—деб жавоб берди.

Анушервон ундан ҳам кенгроқ тушунтиришни сўради, у деди:

—Хурсанд шундай кишики, нима топса, ўшанга қаноат қилади, топганига шукр қилиб, умрини ғамсиз ўтказади. Тама ва очкўзлик эса ўз жонини қийнашдир. Тамагир ва очкўз киши ҳеч қачон рост йўлдан юрмайди, ҳамиша кўнгли иллатли бўлади. Ҳар ким ўзини яхшилик йўлига солса, ҳамма ёмонликдан омон бўлади, жаҳонда тинч ва осуда яшайди.

Анушервон Юнонга қараб:

—Сен нима дейсан?—деди.

Юнон шундай деб жавоб қилди:

—Етти нарса борки, ҳар ким бу етти нарсага амал қилса, дунёда яхши отли бўлади. Биринчи—дунёда донолар маслаҳати билан иш қилса, иккинчи—ўз ватанида бўлса, учинчи—одил бўлса, тўртинчи—сабрли бўлса, бешинчи—қайсар бўлмаса, олтинчи—фойдасидан бошқаларни ҳам баҳраманд қилса, еттинчи—камтар бўлса!

Анушервон Юнондан ҳам бу сўзларни кенгроқ тушунтиришни сўради. Юнон деди:

—Маслаҳат марваридга ўхшайди, одамларни тош деб ҳисобланса, шу тошлар орасидан бирорта марварид сўз чиқиши мумкин. Ишни ўз жойида муносиб ҳолда қилмасанг, зиёни етади. Одиллик билан иш қилинса, бу ишга ҳеч ким қарши чиқмайди. Сабр ва чидам барча мушкул ишларни енгиш қалитидир. Қайсарлик эса энг ёмон хислат. Камтарлик барчанинг ҳавасини ва ҳурматини кўзготадиган ёқимли одатдир!


Анушервон бу ҳикматларнинг ҳаммасини ёзиб қолдиришга фармон берди.

**“ЖОВИДОНИ ХИРАД”.**

**“Машриқзамин—ҳикмат бўстони”дан.**

**“Шарқ” нашриёт-матбаа концернининг бош таҳририяти.**

Тошкент—1997 йил.



Куз таровати

Ақл-ақлдан қувват олар

## ПОЙГАЧИНИНГ КЎЗИ-ҒОВДА

Пойгачи йўлдаги ғов ва тўсиқларни ўз вақтида, тўғри мўлжалга олиб, отини омон-эсон сакратиб ўтиш пайида бўлади. Шу мақсадда у кўп машқ қилади, маҳоратини ошира боради. Ана шу ҳол мисолга олиб айтилган мазкур мақол билан мажозан: “Сен ҳам ҳар бир ишни қиларда пойгачи сингари зийрак, ҳушёр, эпчил, чапдаст, тадбиркор бўл”, деган маънода насихат қиладилар.

**“Ҳикматнома”дан.**

Тошкент—1990 йил.

Газетамиз саҳифаланаётган тифиз бир пайтда ҳузуримизга илгарилари бизга ёзиб турадиган Муҳаммадали Мираҳмедов кириб келди. Тўғриси, уни тинглашга вақтдан қизғанардик. “Мени эшитсангиз, бежиз келмаганимни тушунасиз,—дейди у ҳолатимизни сезиб.—Ҳузурингизга бир аянчли ҳолат етаклаб келди. Жума кунлари мачитлар олдида миллатдош аёлларнинг тиланчилик қилаётгани виждонимни қийнади. Бировнинг қўлига қараб, мўлтираб ўтиргунча, далага чиқиб пахта теришса бўлмайди шу аёллар?! Ахир улар ногирон эмас, тўрт мучаси саломат. Ўзи етмагандай, айримлари боласини кучоғига солиб оладими-е. Бир ўрганиб, шу ҳақда ёзсангиз, таъсир этармикин уларга”.

—Ўрганиб, ёзишга-ку, ёзамиз. Бу аёллар газета ўқишмайди-да.

—Маҳалладагиларга таъсир қилиб, уларни қўлига этак бериб, далага сафарбар этишса яхши бўлармиди. Текинхўрликдан чиқариб, меҳнатга чорлашда ҳам савоб бор-ку!

Тақлифда жон бор. Ҳайит, арафада қабристонлар, жума куни мачитлар олдида ин қуриб, рўмолга бурканиб олган аёллар бир-бир кўз ўнгимдан ўтади. Муштарийнинг тақлифи билан мачит олдида тиланчилик қилаётган аёлларнинг бири билан суҳбатлашишга вақт топдим.

—Тирикчилик мажбур қилди,—дейди

қаерлик эканини айтмаган аёл.—Хунарим йўқ, бозорга чиқиб, тирикчилик қилай десам пулим бўлмаса, ўйлаб-ўйлаб тиланчилик қилишга чиқдим-да.

сифатида пул ишласангиз бўлади-ку. Меҳнат қиладиган ёшда экансиз.

—Мен пахта тера олмайман, белим ярамайди. Уй ишларида бировнинг

Агарки инсонсен...

## ТИЛАНЧИЛИК—

## ТЕКИНХЎРЛИК

—Бир жумада қанча топасиз?  
—Энди бир кунимизга етгуликни топамиз-да.

—Бошқа кунларга-чи?

—Худо етказар.

—Ҳозир айна пайти, одамларнинг қўлига термулиб ўтиргандан кўра, далага чиқиб, бир кунда 30 кило пахта терсангиз, олти минг сўмга ишлайсиз-ку! Кўпроқ терсангиз, кўпроқ оласиз, меҳнатингизга ярашадан. Бошқа пайтларда уй хизматчиси

қош-қовоғига қарашга тоқатим йўқ.

—Ахир пенсионер аёллар ҳам шу кунда уйда ўтиролмай, пахтага, пулига қизиқиб, теримга чиқишяпти.

—Пахта териб ўрганмаганман,—аёл рўмолга бурканиб, кафтини очиб, тебраниб ўтиришда давом этади. Бошқаси ҳам бундан ортиқча жавоб бермаслигига ишонч ҳосил қиламиз.

Элик ёшлардан ўтган аёлнинг жавобларидан кўриниб турибдики, унинг меҳнат қилгиси йўқ, тўғрироғи,

тер тўкиб топгандан кўра, ўтириб олиб текин ишлаш ёқапти унга. Аммо тўрт мучаси саломат бўла туриб, тиланчилик қилмоқнинг бу дунёдаги “юки”—орият, номуснинг бўйинини эгишга кучи етган аёл охираддаги азобини қандай кўтараркин?!

Ахир онгли мавжудот қилиб яратилган инсонга идрок, қўл-оёқ, куч-қувват нимага берилган?! Уларни ишлатиб, тер тўкиб меҳнат қилиб, бир луқмани ҳалол топиб еганга нима етсин! Аллоҳ берган ана шу неъматларни ишлатиб, йўқдан бор қилаётган, бўз тупроқларни ризқ манбаига айлантираётган, эл-юртни кийинтириб, тўйдиратган, боғу бўстонга айлантираётган ҳам шу ҳазрати инсон-ку! Меҳнатга ўрганмаган одамнинг охири шу экан-да.

Аслида инсоннинг маънавиятини ҳам меҳнат тарбиялар экан. Акс ҳолда Аллоҳ берган умрни ҳавога соғуриб, на касб-кор ва на хунар ўрганмай ўтган аёл қилаётган ишидан ор қиларди. Ўзи, оиласи, аждоду авлодлари шаънини ўйларди. Афтидан маҳаллаларнинг фаол аёллари бундай орсизлар билан ҳам шуғулланишлари, уларни кеч бўлса ҳам меҳнатга ўргатишлари керакка ўхшайди. Ахир тарбия тақани тўғрилайди, дейдилар-у. Миллат шаъни учун ҳам шундай қилмоқ жоиз кўринади.

Ҳадичахон КАРИМОВА

Азиз муштарий! Ҳафтаномамизда улуг аждодларимиз ҳаёти ва ҳикматлари чоп этилаётганлиги учун уни ножоиз ерларга ташламанг!

**ISTIQBOL YO'LI**

МУАССИС:  
КЎШТЕПА ТУМАНИ  
ҲОКИМИЯТИ ВА ТАҲРИРИЯТ  
ИЖОДИЙ ЖАМОАСИ

**Бош муҳаррир:**  
Умидахон ХУДОЙБЕРГАНОВА

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги  
Фаргона вилояти бошқармаси томонидан  
2007 йил 9 январда 12-012 рақами  
билан рўйхатга олинган. Бичими А-3

МАНЗИЛИМИЗ:  
151111,  
Марғилон шаҳар,  
Бобур номи маҳалла,  
Соҳибкор кўчаси, 4-уй.  
Телефон ва факс:  
муҳаррир (55) 801-17-54

ГАЗЕТА ТАҲРИРИЯТИНИНГ  
Pentium - IV  
КОМПЮТЕРИДА  
ТЕРИЛДИ ВА  
САҲИФАЛАНДИ.  
Дизайнер:  
Отабек Ерматов

«Полиграф-Пресс» МЧЖ  
босмаҳонасида 3100  
нусада чоп этилди.  
Баҳоси келишилган нарҳда.  
Манзил: Марғилон шаҳар,  
Туркистон кўчаси,  
236 «Б» уй.

Нашр кўрсаткичи:  
64875

Буюртма № 646

Топшириш вақти 18.00  
Топширилди 18.00

Ушбу сонга масъул:  
Ҳадичахон КАРИМОВА

ISSN 2010-9253  
9 772010 925307